

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**28-сон**  
**(996)**  
**2021 йил**  
**июль**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

413. «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ-701-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

414. «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармони

415. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6261-сон Фармони

416. «Республикада ўсимликлар карантини ва химояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон Фармони
417. ««Янги Андижон» шахрини барпо этиш ишларини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 июлдаги ПҚ–5180-сон қарори
418. «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПҚ–5182-сон қарори
419. «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги ПҚ–5184-сон қарори
420. «Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарори
421. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июлдаги ПҚ–5186-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

422. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 8 июлдаги 231-сон ««Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-2*)
423. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 2 июлдаги 9-сон «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-3*)
424. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 9 июлдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032-1*)
425. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 июлдаги 21-2021-сон ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июлдаги 15-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-2*)

426. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 8 июлдаги 22-2021-сон «Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2734-1*)

427. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 июндаги 9-мб-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### **413** Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 5 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда  
маъқулланган

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш;

аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

давлат экологик экспертизаси;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият;

ушбу Қонуннинг 2-илоvasида кўрсатилмаган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний шахсларга бериш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонуннинг 1, 2 ва 3-иловаларига\*\* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тегишли фаолият соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июлда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятлари қонун билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**лицензиат** — фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензия** — жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**лицензиялаш** — лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва чақириб олиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**фаолиятнинг лицензияланадиган тури** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган, қонун билан белгиланадиган фаолият тури;

**лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари** — фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошириш чоғида жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда шартлар мажмуи;

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар** (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади) — фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар;

**лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари** — ваколатли органларнинг тегишинча берилган, узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган, қайта расмийлаштирилган ва чақириб олинган лицензиялар, рух-

сат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар томонидан ваколатли органларга юборилган хабарномалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари;

**лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури** — фаолиятнинг лицензияланадиган тури таркибига киритиладиган фаолият турининг йўналиши;

**давлат хизматлари паспорти** (бундан буён матнда паспорт деб юритилади) — лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёни билан боғлиқ бўлган ўзига хос талаблар ва шартларни, шунингдек маълумотларни ўз ичига олган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳужжат;

**рухсат бериш тартиб-таомили** — рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат** — ваколатли орган томонидан рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклларда бериладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда муайян фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

**талабгор** — лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабарнома** — хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчи томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар;

**хабардор қилувчи** — ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабардор қилиш тартиб-таомили** — хабарнома юбориш, хабарномани қабул қилиш (қабул қилмаслик), хабарнома қабул қилинганлигини тасдиқлаш, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишга тақиқ жорий этиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**«ягона дарча» принципи** — хизматлар кўрсатиш тартиби бўлиб, бунда талабгорга тегишинча лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ваколатли органга бошқа давлат органлари ёки ташкилотлар томонидан бериладиган турли бошқа ҳужжатларни олиш талаб қилинадиган ҳолларда мазкур ваколатли орган кўрсатилган ҳужжатларни талабгорнинг иштирокисиз мустақил равишда сўрайди ва олади.

#### **4-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги асосий принциплар**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида ваколатли органлар фаолиятининг очиқлиги;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, жисмоний ва юридик шахслар қонуний манфаатларининг, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг, жамоат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устуворлиги;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг шаффофлиги;

лицензиялашнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг «ягона дарча» принципи бўйича амалга оширилиши.

### **5-модда. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини жорий этиш учун асослар**

Агар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) айрим турларини амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига зиён, жамоат хавфсизлигига зиён ва (ёки) атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари жорий этилади.

### **6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

ваколатли органлар томонидан лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши амалиётини ўрганади ҳамда унинг таҳлилини амалга оширади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши устидан доимий мониторингни амалга оширади, шу жумладан, махсус электрон тизим орқали амалга оширади;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **8-модда. Махсус электрон тизим**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш, ваколатли органларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик қилиши, шунингдек лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари бажарилишининг мониторингини ўтказиш жараёнларини қамраб оладиган, жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлган «Лицензия» ахборот тизими махсус электрон тизимдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги махсус электрон тизим операторидир.

Махсус электрон тизимда қуйидагилар акс эттирилади:

1) қуйидагиларни ўз ичига оладиган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнлари:

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни топшириш;

ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш ҳамда лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

QR-код (матрикс штрихли код) қўйилган электрон шаклдаги лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш;

ваколатли органни фаолият бошланганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида хабардор қилиш учун хабарномалар юбориш ва хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқномалар олиш;

аризани кўриб чиқиш учун давлат божининг, йиғимларнинг электрон тўловини амалга ошириш;

лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда уларни бекор қилиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

2) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш чоғида давлат органлари ва ташкилотлар ҳамкорлигининг қуйидагиларни ўз ичига оладиган жараёнлари:

бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан қўшимча ҳужжатлар ҳамда ахборотни мустақил равишда олиш, шунингдек улар билан «ягона дарча» принципи бўйича келишиш;



лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритиш;

лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар, шунингдек хабарномалар билан боғлиқ ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари орқали текшириш;

3) лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларининг бажарилиши мониторингини ўтказишнинг қўйидагиларни ўз ичига оладиган жараёнлари:

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан ваколатли органлар томонидан масофавий мониторингни амалга ошириш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ҳар бир босқичида аризалар кўриб чиқилишини кузатиб бориш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш чоғида ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда ваколатли органларнинг судларга мурожаат қилиши;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ваколатли органларнинг автоматик тарзда шакллантириладиган рейтингини юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти (ҳаракатлари) устидан назорат қилишнинг муайян мезонларини аниқлаган ҳолда, ваколатли органлар томонидан берилган лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, «хавфни таҳлил қилиш» тизимини жорий этиш.

Махсус электрон тизимда қонунчиликка мувофиқ бошқа жараёнлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

### **9-модда. Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини давлат муассасалари томонидан амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг ушбу турларини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган давлат муассасаларини лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

### **10-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан амалга ошириш**

Юридик шахслар томонидан ташкил этилган филиаллар ва ваколатхо-

налар учун алоҳида лицензиялар ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олиш талаб этилмайди. Бунда юридик шахслар томонидан аввал олинган лицензияларда ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда ваколатли органлар томонидан мазкур ҳужжатларга ўзгартишлар киритилган ҳолда филиаллар ва ваколатхоналарнинг манзиллари кўрсатилади.

Филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этган юридик шахслар филиаллар ҳамда ваколатхоналар томонидан фаолият (ҳаракатлар) турларини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш бошлангунига қадар бу ҳақда ваколатли органни махсус электрон тизим ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) орқали хабардор қилиши керак. Бунда ваколатли орган кўрсатилган филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотни хабарномалар реестрига киритади.

Филиаллар ва ваколатхоналар фаолиятнинг лицензияланадиган турларини, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга ошираётганда ёки фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошираётганда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этиши керак.

### **11-модда. Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари**

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрлардаги ахборот очикдир.

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларида қуйидагилар акс эттирилади:

юридик шахс учун — номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), фаолият (ҳаракатлар) амалга ошириладиган манзил;

хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга оширувчи филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги ахборот;

берилган лицензияларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ва хабарномалар санаси ва тартиб рақамлари;

чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун — лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари;

амалга оширилиши учун лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат талаб қилинадиган, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) тури (кичик тури);

лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта

расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, уларни бекор қилиш асослари ҳамда саналари;

лицензияларни чақириб олиш асослари ва саналари;

хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга оширишга доир тақиқнинг муддати тўғрисидаги ахборот;

лицензияга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга ўзгартишлар киритиш, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) ўзгартириш ҳақидаги хабарномани юбориш асослари ҳамда саналари;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга оширишга доир тақиқнинг қолган муддати.

### **12-модда. Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритиш**

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари лицензиатларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олган шахсларнинг ҳамда хабардор қилувчиларнинг давлат томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига мазкур шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш мақсадида юритилади.

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини доимий асосда юритиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритиш ваколатли органларнинг зиммасига юклатилади.

## **2-боб. Лицензиялаш**

### **13-модда. Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари**

Ушбу Қонуннинг 1-илоvasида кўрсатилган фаолият турлари фаолиятнинг лицензияланадиган турларидир.

Лицензия фаолиятнинг ҳар бир лицензияланадиган тури учун алоҳида берилади. Лицензия талабгорнинг аризасига мувофиқ лицензияланадиган фаолият турининг кичик турига (кичик турларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият тури (кичик тури) фақат лицензия олган жисмоний ёки юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

### **14-модда. Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар**

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар:

талабгорларнинг мурожаатларини қабул қилади ва кўриб чиқади;

лицензиялар беради ёки уларни беришни рад этади, лицензияларнинг амал қилиши муддатини узайтиради;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;

лицензияларни қайта расмийлаштиради;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди;

лицензияларни бекор қилади ёки ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади;

лицензияларни ўзгартиради;

лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар қонунга, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар ушбу ваколатли органлар томонидан лицензияланадиган фаолиятни амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ташкил этишга ёки уларнинг фаолиятида муассислар, акциядорлар ёхуд иштирокчилар сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **15-модда. Лицензияларнинг турлари**

Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибда бўлиши мумкин.

Агар чекланмаган миқдордаги талабгорлар фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона лицензия талаблари ва шартларига жавоб берса, ушбу шахсларга бериладиган лицензиялар намунавий (оддий) лицензиялар жумласига киради.

Талабгорларга алоҳида лицензия талаблари ва шартлари асосида бериладиган, фаолиятнинг муайян турини амалга оширишда лицензиатларга мутлақ ҳуқуқларни тақдим этадиган лицензиялар якка тартибдаги лицензиялар жумласига киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра сони жихатидан чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **16-модда. Лицензиянинг амал қилиш муддати**

Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, бундан қуйидагиларни амалга ошириш учун лицензиялар мустасно:

тиббий фаолият;

фармацевтика фаолияти;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият;

таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик воситасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган sanoat мақсадларида етиштириш, олиб кириш (олиб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), олиш ва ташиш фаолияти;

кўчма радиотелефон (уяли) алоқадан ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолият;

нефтни, газни (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ҳамда газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият;

аффинаж фаолияти.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган фаолият турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун лицензияларнинг амал қилиш муддатлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда ва уларнинг паспортларида белгиланади, лекин бу муддатлар беш йилдан кам бўлмаслиги керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда ваколатли органга топширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### **17-модда. Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддати-ни узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун ундириладиган давлат божи**

Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун давлат божи ундирилади.

Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун давлат божи миқдорлари ҳамда уни тўлаш тартиби «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланади.

Лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун қонунда давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари белгиланиши мумкин.

Фаолиятнинг қуйидаги турлари бўйича лицензиянинг амал қилиши учун йиллик давлат божлари белгиланади:

концерт-томоша фаолияти;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш; алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси соҳасидаги фаолият;

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатиш.

**18-модда. Лицензияланадиган фаолият турининг кичик турига лицензиат томонидан лицензия олиш тартиби**

Лицензиат лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятни лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтириши мумкин.

Муайян соҳада фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган лицензиат худди шу соҳадаги фаолиятнинг кичик турига лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган тақдирда, у ваколатли органга фақат фаолиятнинг тегишли кичик турига қўйиладиган қўшимча лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган ахборотни тақдим этади. Бунда ваколатли орган лицензиат томонидан илгари олинган лицензияга лицензияланадиган фаолият турининг тегишли кичик турига тааллуқли ўзгартишлар киритади.

**3-боб. Рухсат бериш тартиб-таомиллари****19-модда. Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари**

Ушбу Қонуннинг 2-илоvasида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларидир.

**20-модда. Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар: талабгорларнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, уни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

ушбу Қонун талабларига ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ белгиланган муддатларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беради ёки уни беришни асосли равишда рад этади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрини юритади;

рухсат бериш тартиб-таомиллари масалалари юзасидан талабгорларнинг овзаки ёки ёзма, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида юборилган сўровига кўра бепул асосда тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради;

талабгорлар рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни электрон шаклда беради; ушбу Қонуннинг 32 ва 33-моддаларида назарда тутилган ҳолларда рух-

сат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ва (ёки) ушбу масалаларни суд тартибда кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқади.

Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар қонунга, шунингдек рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**21-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди, бундан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ва уларнинг паспортларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек бир марталик ҳаракатни бажариш учун бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, у талабгорнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда ваколатли органга топширилади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланиши мумкин.

Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгор ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади. Агар рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгорнинг таклифи танловда (тендерда) иштирок этувчи бошқа талабгорнинг энг мақбул таклифига тенг қийматда бўлса, ушбу устуворлик қўлланилади.

**22-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган ҳолларда ҳамда миқдорларда йиғим ундирилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

#### **4-боб. Лицензиялашнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятлари**

##### **23-модда. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар, шунингдек уларнинг паспортлари**

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда қуйидагилар назарда тутилади:

лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг, шунингдек уларни бериш зиммасига юклатиладиган ваколатли органнинг номи;

лицензиялашдан ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришдан мақсад;

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати;

талабгорнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан агар мазкур ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга ошириладиган бўлса, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби;

лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари;

лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни махсус электрон тизим воситасида беришда лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби;

лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини қайта расмийлаштириш, тўхта-тиб туриш, қайта тиклаш, уларни бекор қилиш тартиби;

тегишли лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати;

агар талабгор томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу Қонун-



га мувофиқ бошқа нормалар ҳам кўрсатилиши, шунингдек лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланиши мумкин.

Лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар паспортларида талабгор томонидан лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш ва фаолиятини давом эттириши учун зарур бўлган ахборот кўрсатилади.

#### **24-модда. Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари**

Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида фаолиятнинг лицензияланадиган турининг ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ҳар бири бўйича кўрсатилади. Бунда рақобатни чекловчи талаблар ва шартларни жорий этиш тақиқланади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида қуйидаги лицензия ҳамда рухсат бериш талаблари ва шартлари кўрсатилади:

лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг муайян қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этилиши шартлиги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турини амалга оширишга талабгор шахсларга нисбатан аниқ малака талаблари, шу жумладан махсус тайёргарликка доир талаблар;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турини амалга оширишнинг махсус шартларига доир тугал талаблар, шу жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга доир аниқ талаблар;

ходимлар билан янги меҳнат шартномаларини тузиш, шартномаларга ўзгартишлар киритиш ва уларни тугатиш ҳолларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш — тегишли фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан шундай талаб мавжуд бўлган тақдирда;

фаолиятнинг лицензияланадиган турининг ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа лицензия ва рухсат бериш талаблари ва шартлари.

Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини ваколатли органлар томонидан назорат қилиш «хавфни таҳлил қилиш»

тизими натижалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилиши фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширилади.

**25-модда. Лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш**

Талабгорларнинг лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалари, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар махсус электрон тизим воситасида ёки ЯИДХП орқали қабул қилиниши мумкин.

Давлат сирларини ёки қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалар ваколатли органлар томонидан қабул қилиниши ва бевосита уларга берилиши мумкин.

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ваколатли органга келиб тушган пайтдан эътиборан улар рўйхатдан ўтказилган деб ҳисобланади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда талабгорга юборилади (берилади).

Аризани қабул қилишни ваколатли орган томонидан рад этишга йўл қўйилмайди.

Электрон шаклда берилган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар манфаатдор шахслар томонидан махсус электрон тизим воситасида қоғозда чоп этилиши мумкин. Бунда қоғозда чоп этилган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар электрон шаклда берилган лицензияларга ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга тенглаштирилади.

Талабгор махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали ариза билан мурожаат этганда, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган тартибда тақсимланадиган давлат божи ва йиғимнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

**26-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза билан ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда мурожаат қилган тақдирда, талабгор томонидан қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

талабгор амалга ошириш ниятида бўлган фаолиятнинг лицензияланадиган тури ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) тури, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда — мазкур фаолиятнинг кичик тури;

қонунчиликда назарда тутилган лицензия ёки рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари талабгор томонидан бажарилиши мумкинлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар.

Талабгор томонидан тақдим этилган, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, ваколатли орган аксини исботлагунига қадар, барча ҳолларда тўғри деб ҳисобланади.

Талабгордан ушбу моддада ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ариза талабгор томонидан махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида юборилган тақдирда, у электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Талабгор нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

### **27-модда. Лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларнинг тўғрилигини текшириш**

Лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ягона QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ махсус қоғоз бланкаларида расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлар мустасно.

Барча турдаги лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш мазкур ҳужжатларга тушириладиган ягона QR-кодни (матрик штрихли кодни) тегишли реестрда кўрсатилган ахборот билан солиштириб кўриш орқали амалга оширилади. Бунда қоғоз шаклидаги лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

### **28-модда. Талабгорларнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш**

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари махсус электрон тизим орқали электрон шаклда амалга оширилади, бундан давлат сирларини ёки қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари мустасно.

Талабгорнинг аризаси ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган

тартибда барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан ваколатли орган томонидан уни кўриб чиқиш, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш муддати йигирма иш кунидан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятнинг айрим лицензияланадиган турлари ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш зарур бўлган фаолият (ҳаракатлар) турлари учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабгорларнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини йигирма иш кунидан ортиқ этиб белгилаши мумкин.

Ваколатли орган, зарур бўлган тақдирда, ўз маблағлари ҳисобидан тегишли хулосаларни тайёрлаш учун экспертларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли.

Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай уни махсус электрон тизимга жойлаштиради ва талабгорни мазкур қарор жойлаштирилган пайдан эътиборан бир иш соатидан ошмаган муддатда махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда хабардор қилади.

Агар ваколатли орган талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида талабгорга лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермас ва уни беришни рад этмас, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин талабгор амалга оширилиши учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолда талабгор белгиланган давлат божини ёки йиғимни тўлаганидан кейин махсус электрон тизим воситасида унга лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилади. Бунда талабгор лицензиясиз ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда ваколатли органлар эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.

### **29-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш**

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

талабгорнинг лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига мувофиқ эмаслиги;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ ўтказилиши мажбурий бўлган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ҳамда техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра, шу жумладан қўйидаги ҳолларда рад этишга йўл қўйилмайди:

ҳодимларнинг касбий малакаси қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурлар қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;

лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига мувофиқ фойдаланиладиган бино ва иншоотлар санитария-эпидемиологик ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси ва иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, ваколатли орган уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат беради. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома ваколатли орган томонидан махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда талабгорга бир иш куни ичида юборилади.

Хабарнома тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ваколатли орган аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни маромига етказиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек лицензияларни ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ўзга ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши керак, бундан талабгорлар таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллар мустасно.

Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран тақдим

этилган тақдирда, ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома талабгорга рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда юборилади. Талабгорлар рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги электрон хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Талабгор лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан беш иш кунидан ошмайдиган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Талабгорларнинг аризаларини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан талабгорга илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин талабгор томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Талабгор лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ушбу Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### **30-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш**

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) фаолият турлари бўйича ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кун ичида ваколатли органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда,

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш куни ичида ваколатли органга лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза бериши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айни бир фаолиятни (харакатларни) амалга ошириш учун лицензияси ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати мавжуд бўлган юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун тугатилганда ёки бир нечта фаолият турлари бирлаштирилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатда кўрсатилган маълумотлар ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилмаган ҳолларда ўзгартирилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тадбиркорлик субъектининг тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги аризаси бўйича амалга оширилади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар талабгор томонидан ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда берилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунигача, тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни (харакатларни) амалга оширади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилаётганда ваколатли орган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларига тегишли ўзгартишлар киритади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилаётганда талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

**31-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни ўзгартириш**

Лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар лицензиатнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахснинг аризаси асосида ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензия асосида амалга ошириладиган фаолият тури лицензияланган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтирилганда;

филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этган юридик шахсларга берилган лицензияга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга мувофиқ ушбу филиаллар ва ваколатхоналар томонидан фаолиятни амалга ошириш бошланганда;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда, агар унинг жойлашган ерига нисбатан лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари белгиланган бўлса.

Лицензияларга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Лицензия ўзгартирилган тақдирда давлат божи, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ўзгартирилганда эса йиғим тегишинча лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

**32-модда. Лицензиянинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларининг бузилганлиги аниқланганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан ваколатли органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини унинг зиммасига юкловчи қарори бажарилмаганда.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туриш ваколатли орган томонидан, ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга эса — суд томонидан амалга оширилади.

Ваколатли органнинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда етказилади.

Суднинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг



амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли органлар ёки суд лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда кўрсатилган муддат лицензиат ёки рухсат берувчи ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаслиги керак.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан бартараф этилган тақдирда, лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш кун ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Суднинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарори у қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кун ичида тегишли ваколатли органга қонунда белгиланган тартибда етказилади. Бунда ваколатли орган эса лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни махсус электрон тизимга бир иш кунидан ошмаган муддатда жойлаштиради.

Агар ваколатли орган лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида уч иш кун ичида қарор қабул қилмаса, лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс мазкур муддат ўтгандан сўнг ваколатли органни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

Лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда, суд лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ваколатли органнинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, ваколатли органлар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган

шахс олдида улар кўрган зарар микдорида жавобгар бўлади. Бунда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қайта тикланган деб ҳисобланади.

Лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс ўз фаолияти вақтинча тўхтатиб турилган тақдирда лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Агар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти ой ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга ариза билан мурожаат этмаган бўлса, лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилади.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичида махсус электрон тизимга жойлаштирилиши керак.

### **33-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш**

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юрidik шахс тугатилганда — тугатилган пайдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини ёки ҳаракатларни (фаолиятни) амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

жисмоний шахснинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

лицензия берилганлиги учун давлат божи ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун йиғим белгиланган муддатда тўланмаганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши-

ни тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан бекор қилинади. Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат улар берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Суднинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга ҳамда ваколатли органга қонунчиликда белги-ланган муддатларда етказилади.

Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказилади.

Ваколатли орган бекор қилинган лицензиялар ёки рухсат этиш хусу-

сиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида махсус электрон тизим воситасида тегишинча лицензиялар реестрига ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритади.

**34-модда. Лицензиянинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш**

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби ёки рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинганда;

лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга эга бўлган жисмоний шахс вафот этганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан ваколатли органга лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилган ҳолларда ваколатли орган томонидан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.

**35-модда. Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим**

Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган ҳолларда ҳамда миқдорларда ундирилади. Йиғим миқдори ваколатли органнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қилган харажатлари доирасида белгиланади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни талабгорга беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган, шунингдек талабгор берган аризасидан воз кечган тақдирда талабгорнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

**5-боб. Хабардор қилиш тартиб-таомиллари****36-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар)**

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, шунингдек тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ҳамда шартларга риоя этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар ўз зиммасига мажбуриятлар қабул қилиши орқали амалга ошириладиган фаолият турларини ўз ичига олади.

Ушбу Қонуннинг 3-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилади. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ушбу Қонунда назарда тутилмаган янги турларини (кичик турларини) жорий этиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари (кичик турлари) билан ваколатли органни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади.

Хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда назарда тугилади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ўзига хос қоидалари ва хусусиятлари хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланади.

**37-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар**

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва паспортларда кўрсатилади.

Хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва паспортларда қуйидаги талаблар ҳамда шартлар кўрсатилади:

паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

фаолиятни бошлаш ҳақидаги хабарномада (бундан буён матнда хабарнома деб юритилади) кўрсатилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

ҳодимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартишлар киритилганлиги ва улар тугатилганлиги ҳолларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни «Ягона миллий меҳ-

нат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш — тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан шундай талаб мавжуд бўлган тақдирда;

хабардор қилувчининг номи, жойлашган ери (яшаш манзили) ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилганидан сўнг ваколатли органни ўн иш куни ичида хабардор қилиш;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа талаблар ва шартлар.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба кўпол бузилиши ҳолларининг рўйхати паспортларда белгиланади.

### **38-модда. Хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби**

Хабардор қилувчи (унинг номидан иш юритишга ваколатли шахс) ваколатли органга электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборади.

Хабарномани юборишда паспортларда назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади ва ҳужжатлар илова қилинади.

Паспортларда назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Хабардор қилувчилар хабарнома юбориш орқали хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ушбу Қонуннинг 37-моддасида белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

Хабардор қилиш талаб этиладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизигача миқдорда йиғим ундирилади, бундан алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни ва алкоголь маҳсулотларини умумий овқатланиш корхоналари томонидан реализация қилишни бошлаш ҳақидаги хабарномалар мустасно.

Хабардор қилувчилар ваколатли органга юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Хабарномага киритилган маълумотлар махсус электрон тизим воситасида идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд бўлган ахборот асосида автоматик равишда текширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилувчи томонидан махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборилганда, паспортларда белгиланган тартибда тақсимланадиган йиғимнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

### **39-модда. Хабарноманинг қабул қилинмаслиги**

Хабарнома қўйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон ахборот киритилганлиги махсус электрон тизим воситасида аниқланганда;

хабарнома юборганлик учун йиғим тўланмаганда;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларга риоя этилганлиги ҳамда улар бажарилганлиги тасдиқланмаганда;

агар хабардор қилувчи аввал хабарномалар реестрига айна ўша фаолият (ҳаракатлар) бўйича киритилган бўлса ва унинг фаолияти (ҳаракатлари) амал қилаётган бўлса;

ваколатли орган ёки суд томонидан хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) муайян муддатга тўхтатиб турилганда;

хабардор қилувчи томонидан тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш суднинг қарорига асосан тақиқланганда.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа асослар бўйича хабарномани қабул қилмаслик тақиқланади.

#### **40-модда. Хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома**

Ушбу Қонунда, шунингдек хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланган талабларга ва шартларга риоя қилинган ҳолда юборилган хабарнома махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда қабул қилинади ва хабардор қилувчига хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома юборилади.

Тасдиқнома юборилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги ахборот хабарномалар реестрида автоматик равишда шакллантирилади.

#### **41-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш асослари**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) қуйидаги асосларга кўра муайян муддатга тўхтатиб турилади:

ваколатли органнинг ташаббусига биноан;

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги иш судда кўриб чиқилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар.

#### **42-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ваколатли органнинг ташаббусига биноан тўхтатиб туриш тартиби**

Ваколатли орган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хабардор қилувчининг хабардор

қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асослар аниқланган тақдирда, ваколатли орган далолатнома тузади ва хабардор қилувчини ушбу далолатнома билан таништиради.

Далолатнома тузилган кундан эътиборан бир иш куни ичида ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туради ва аниқланган камчиликларни хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилган муддатда бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган қарорни қабул қилади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни унга махсус электрон тизим воситасида бир иш куни ичида юборади ва шу куннинг ўзида хабарномалар реестрига хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади.

**43-модда. Хабардор қилувчининг ваколатли орган томонидан тўхтатиб турилган, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш**

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда олгандан кейин у қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва бу ҳақдаги ахборотни ваколатли органга асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда юбориши керак.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ахборотни олган кундан эътиборан беш иш куни ичида ушбу ахборотни таҳлил қилиши ва зарур бўлганда, олинган ахборотни жойига чиққан ҳолда ўрганиши керак. Бунда ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва уни хабардор қилувчига махсус электрон тизим воситасида юборади.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатнома юборилганидан кейин бир иш куни ичида:

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

хабардор қилувчига унинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни махсус электрон тизим воситасида юбориши;

хабарномалар реестрига хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) қайта тикланганлиги тўғрисида белги қўйиши керак.

Хабардор қилувчи томонидан ўзининг хабардор қилиш тартибида



амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш чораларини кўради.

Агар ваколатли орган ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган чораларни кўрмаса, хабардор қилувчи ваколатли органи махсус электрон тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини (ҳаракатларини) давом эттириши мумкин.

**44-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш асослари**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари):

хабардор қилувчи томонидан ўз фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисида ваколатли органга юборган хабарномага;

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги суднинг қарорига асосан тугатилади.

**45-модда. Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиши**

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатганлиги тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида ваколатли органи хабардор қилиши керак.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарномани юборганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборганидан кейин унинг фаолияти (ҳаракатлари) хабарномада кўрсатилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади ва хабарномалар реестрига бу ҳақда автоматик тарзда белги қўйилади.

**46-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) суд томонидан тугатиш**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза судга ваколатли орган томонидан қўйидаги ҳолларда берилади:

хабардор қилувчи томонидан фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш тўғрисида юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ёлғон ёки нотўғрилиги аниқланганда;

хабардор қилувчи белгиланган талаблар ва шартларнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар ваколатли орган томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

белгиланган талаблар ва шартлар мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган далолатнома тузади ва бир иш куни ичида уни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилувчига юборади. Далолатнома тузилганидан кейин ваколатли орган беш иш куни ичида судга хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш ҳақида ариза беради.

Ваколатли органнинг хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчи олдида хабардор қилувчига етказилган зарар миқдоридида жавобгар бўлади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тугатилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин уч иш куни ичида хабарномалар реестрига белги қўяди.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра тугатилган тақдирда, бу фаолият хабардор қилувчи томонидан хабарнома юборилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Фаолияти (ҳаракатлари) суд тартибида тугатилган шахслар махсус электрон тизимдаги алоҳида рўйхатга киритилади.

#### **47-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишни тақиқлаш**

Ваколатли орган хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги аризада хабардор қилувчи томонидан йўл қўйилган қоидабузарликнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ушбу Қонуннинг 3-иловасига киритилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) хабардор қилувчи томонидан амалга оширишни уч ойгача бўлган муддатга тақиқлаш тўғрисидаги талабни назарда тутиши мумкин. Бунда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни тақиқлашнинг аниқ муддати суд томонидан қонунга мувофиқ аниқланади.

**6-боб. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги давлат назорати**

**48-модда. Ваколатли органларнинг лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари**

Лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга ошираётган шахсларнинг, хабардор этувчиларнинг фаолияти ваколатли органлар томонидан назорат қилинади.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошираётганда ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига жисмоний ва юридик шахсларнинг риоя этишини текширишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган, қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслардан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширувлар натижалари асосида жисмоний ва юридик шахслар йўл қўйган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига доир қоидабузарликларни кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

жисмоний ва юридик шахслар зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш;

хабардор қилувчиларнинг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишни тақиқлаш тўғрисида судга ариза бериш;

ушбу Қонунга мувофиқ лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима (бундан буён матнда жарима деб юритилади) солиш тўғрисида судга ариза бериш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш учун судга давлат божи тўламасдан аризалар бериш.

Ваколатли органлар жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларсиз, шунингдек хабар-

нома юбормасдан фаолият билан шуғулланилиши ҳолларини аниқлаш учун белгиланган тартибда назорат тадбирларини ўтказишга ҳақли. Бунда ваколатли органлар томонидан фақат тегишли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги ва хабарнома юборилганлиги текширилади. Бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тадбиркорлик субъектларини текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади.

#### **49-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг шакллари**

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан давлат назорати куйидаги шаклларда амалга оширилади:

махсус электрон тизим воситасида лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан масофавий назорат (бундан буён матнда масофавий назорат деб юритилади);

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойга чиққан ҳолда текшириш;

лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ статистик ахборотни ҳамда улардан сўраб олинadиган маълумотларни таҳлил қилиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни ваколатли органлар томонидан таҳлил қилиш, текшириш ҳамда уларни лицензиатлардан, фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслардан, хабардор қилувчилардан сўраб олиш тақиқланади.

Ваколатли органларга лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида тегишли паспортларда назарда тутилмаган талаблар ва шартларнинг бажарилишини текширишга ёки улардан ушбу шартлар ва талабларнинг бажарилишини талаб қилиш тақиқланади.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларининг бузилишлари аниқланган тақдирда бу ҳақда ваколатли органларга хабар беради.

#### **50-модда. Масофавий назорат**

Ваколатли орган масофавий назоратни махсус электрон тизим имко-

ниятларидан келиб чиққан ҳолда лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг ходимлари тўғрисида, лицензия, рухсат этиш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши ҳақида тақдим этилган ахборот, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан олинган ахборот асосида амалга оширади.

Масофавий назоратни амалга ошириш чоғида лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар белгиланган талаблар ҳамда шартларни бузиш ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда келиб тушадиган хабарлар ваколатли органнинг махсус электрон тизимдаги «шахсий кабинетига» юборилади. Келиб тушаётган хабарлар асосида ваколатли орган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва ўрғанади. Бунда ваколатли орган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларининг бузилиши ҳолларини бар-тараф этиш юзасидан кўрсатма бериши шарт.

Лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар масофавий назорат асосида ваколатли орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш кун ичида бажариши ва бу ҳақда ваколатли органга хабар бериши шарт. Кўрсатма бажарилмаган ёки ўз вақтида бажарилмаган тақдирда ваколатли орган «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида уларнинг фаолиятини текширишдан ўтказиши мумкин.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларини масофавий назорат қилиш ваколатли органлар томонидан доимий асосда амалга оширилади.

### **51-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш**

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

«хавфни таҳлил этиш» тизими;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

жисмоний шахсларнинг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим орқали юборилган маълумотлари.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қонунчилиқда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига

риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш ўн кунгача бўлган муддатда амалга оширилади.

Тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз, шунингдек хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳолатлари билан боғлиқ бузилишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланган тақдирда, бу ҳақда ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқбузарлик тасдиқланганда, ундирилган жазиманинг ўн фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

### **52-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жисмоний шахслар қонунга мувофиқ жиноий ва (ёки) маъмурий жавобгарликка тортилади.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қўйидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга жарималар солинади:

фаолият билан лицензиясиз, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ва ваколатли органни хабардор этмасдан шуғулланиш;

лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олиш;

хабардор қилиш тартибидаги фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларнинг бажарилиши тўғрисида ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этиш.

Жарималар ваколатли органлар томонидан ушбу Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган назорат тадбирлари асосида солинади. Бунда назорат тадбири давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча ваколатли органнинг ва юридик шахс бўлган ҳуқуқбузар (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, ваколатли органнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак. Холислар ўзининг ҳозирлигида амалга оширилган ҳаракатлар факти, мазмуни ва натижаларини далолатномада тасдиқлаши шарт. Улар амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан далолатномага киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Зарур бўлган тақдирда, холислар кўрсатилган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Юридик шахснинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ёки қонунда назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

**53-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муддати**

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида ваколатли орган жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор ваколатли органнинг биринчи раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

**54-модда. Жарима миқдори**

Жарималар миқдорлари амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ҳар бир тури бўйича хавф даражаси ҳамда муддатдан келиб чиққан ҳолда ушбу Қонуннинг 4-илоvasида\* белгиланади.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

**55-модда. Жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тартиби**

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган ҳамда лицензияни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки хабарнома юбориш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилинган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган томонидан ҳуқуқбузарнинг ўз фаолиятини қонунчилик ҳамда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари талаблари ва шартларига мувофиқ амалга ошириши учун зарур шароитлар яратилади ҳамда ёрдам кўрсатилади.

**56-модда. Жаримани суд тартибда ундириш**

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, ваколатли орган жаримани ундириш тўғрисидаги аризани судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида киритади.

Суднинг жаримани ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорини ижро этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**57-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Ҳуқуқбузар ваколатли органнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан ушбу Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**7-боб. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиш тартиби**

**58-модда. Ваколатли органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиш**

Жисмоний ва юридик шахслар ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига тааллуқли бўлган қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиши мумкин.

Шикоят:

худудий даражадаги ваколатли органга нисбатан — унинг юқори турувчи органига;

республика даражасидаги ваколатли органга нисбатан — ушбу органда ташкил этилган апелляция кенгашига берилади. Апелляция кенгашини ташкил этиш қоидалари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қарорлари (ҳаракатлари) устидан бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шикоят жисмоний ва юридик шахслар қарор тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган пайтдан эътиборан ёки уларга ваколатли органнинг ёхуд унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

**59-модда. Шикоятнинг шакли ва мазмуни**

Шикоят ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган ваколатли органнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);

шикоят берилган сана.

Шикоят жисмоний ёки юридик шахс (унинг вакили) томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Жисмоний шахс оғзаки шикоят қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи



ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса — ўз ваколатларини ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятда жисмоний ёки юридик шахснинг электрон манзили ҳамда ягона идентификатори, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса — рақамли имзоси ва бошқа реквизитлари кўрсатилади.

### **60-модда. Шикоятни кўриб чиқиш**

Шикоятни олган юқори турувчи ваколатли орган ва апелляция кенгаши устидан шикоят берилётган қарор, ҳаракатлар тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида сўраб олади.

Юқори турувчи ваколатли орган ёки апелляция кенгаши шикоят бўйича ўн беш иш куни ичида қарор қабул қилади.

Юқори турувчи ваколатли орган ёки апелляция кенгаши шикоят бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

устидан шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

устидан шикоят қилинаётган қарорга ўзгартишлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

Шикоят бўйича апелляция кенгашининг қарори барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда апелляция кенгаши аъзоларидан бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Ваколатли органнинг қарори устидан шикоят қилинган тақдирда шикоят юқори турувчи ваколатли органда ёки апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан:

қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, бундан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ёхуд хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно; жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати тўхтатиб турилади.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **61-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқишнинг даврийлиги**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси беш йилда камида бир марта ушбу Қонунда назарда тутилган ҳар бир лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилининг уни қўллаш натижасида эришилган мақсадлар, ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолати, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг харажатлари баҳоланган ҳолда қайта кўриб чиқилишини таъминлайди.

**62-модда. Низоларни ҳал этиш**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

**63-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**64-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»-ги 71–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**»ги 72–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 143-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилнадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 447–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) **XXIV** ва **XXV** бўлимлари;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда содда-лаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–28-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **7** ва **8-моддалари**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавоб-**

гарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **28-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–102-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 323-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–109-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 416-модда) **5-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–216-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда) **8-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 330-модда) **9-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–261-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 331-модда) **3-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–270-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 470-модда);

13) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 сентябрда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги**»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–292-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 245-модда);

14) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»-ги ЎРҚ–312-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) **6-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «**Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–321-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 105-модда) **5-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–341-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 332-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **12-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **33** ва **36-моддалари**;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **16**, **19** ва **22-моддалари**;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **24** ва **42-моддалари**;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **20** ва **33-моддалари**;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–418-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 385-модда) **8-моддаси**;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **10** ва **17-моддалари**;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **23-моддаси**;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–459-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) **12-моддаси**;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **21-моддаси**;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантириш-**

га қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–494-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 670-модда) **2** ва **3-моддалари**;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда) **30-моддасининг 3-банди**;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–551-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 389-модда) **1-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 августда қабул қилинган «**Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–560-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 471-модда) **3-моддаси**;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–583-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 791-модда) **9-моддаси**;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–584-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 792-модда) **6-моддаси**;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **29-моддаси**;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда) **28-моддасининг 8-банди**;

35) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январда қабул қилинган «**Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан**

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–602-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2020 йил, № 1, 3-модда) **5-моддаси**;

36) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январда қабул қилин-ган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–603-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 4-модда) **8-моддаси**;

37) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартда қабул қилин-ган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–612-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 203-модда) **4-моддаси**.

**65-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳия-ти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор таш-килотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**66-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонундан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

**67-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 48-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошиси ҳамда учинчи қисми, шунингдек 49 — 57-моддалари расмий эълон қилин-ган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 14 июль,  
ЎРҚ–701-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **414 Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунарлар, ИТ-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг ўтган даврида ёшлар билан ишлашнинг мутлақо янги тизими ҳисобланган «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» асосида 430 минг нафар йигит-қизнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани, 92 минг нафардан зиёд ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредитлар, қишлоқ жойларда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун 61 минг гектар ер майдони ажратилгани бу борадаги ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Жорий йил 30 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида илгари сурилган янги ташаббус ва ғояларни амалга ошириш ҳамда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил август ойида «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июлда эълон қилинган.



раҳбарлари — «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг давлат олий таълим муассасаларида таълим олаётган фарзандларига 2021/2022 ўқув йилида биринчи ўқув йили учун тўлов-контрактнинг тўлиқ суммаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

«Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонидида қўшимча уй-жой қуриши учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади;

ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ипотека дастури доирасида бошланғич бадал ва фоиз тўловлари бўйича қўшимча 2 мингта ёш оилага уй-жой сотиб олиши учун субсидия ажратилади.

3. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб республикадаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар учун Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси миқдоридида ва ўқиш муддати тугагандан кейин еттинчи ойдан бошлаб 7 йил муддатда қайтариш шартлари асосида таълим кредитлари берилади.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Марказий банк (М.Б. Нурмуратов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) билан бирга икки ҳафта муддатда таълим кредитларини бериш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

4. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда:

олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқиш учун тижорат банкларидан олинган таълим кредитларини қоплашга йўналтирилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига солиқ имтиёзлари қўлланишини;

ёш оила томонидан олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни эр-хотин ёки улардан бирининг ёши белгиланган ёшдан ошгунига қадар ҳар бир солиқ даври давомида тегишли миқдорда қоплашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат органлари, ташкилот ва муассасаларида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасаларини (бакалавриат, магистратура) тамомлаган ёки уларда илмий даража (PhD ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даража) олган ёш мутахассисларнинг лавозим маошига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1-иловага\* мувофиқ қўшимча устамалар тўлаб бориш тартиби жорий этилсин.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 500 талик рўйхатига киритилган хорижий олий таълим муассасалари рўйхати Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ойлик устама-лар татбиқ этиладиган таълим йўналишлари, тор мутахассисликлар ҳамда давлат органлари, ташкилот ва муассасалари рўйхати шакллантирилади;

ойлик устамалар 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, иш берувчи ва ёш мутахассис билан 3 йилгача бўлган муддатга тузилган шартнома асосида ёш мутахассиснинг лавозим маошига қўшимча равишда ҳар ой тўлаб борилади.

6. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳрида Ёшлар бизнес мактаби, 2022 йилдан бошлаб барча ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилсин.

Қуйидагилар Ёшлар бизнес мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатимиз ва чет элнинг етакчи тадбиркор ва бизнес юритувчиларини жалб этган ҳолда, ёшларга тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш ва бизнес юритишда хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларини ўргатиш;

тадбиркорликка қизиққан ёшларни бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, уларда замонавий бизнес юритиш кўникмаларини шакллантириш, мотивацион бизнес-семинарлар ва тренинглар ташкил этиш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ёшлар бизнес мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ёшларнинг «Бизнесга биринчи қадам» стартап ғоялари танловларини ташкил этиш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда камида уч нафардан ғолибга грантлар бериш амалиёти жорий этилсин.

Белгилансинки, энг яхши лойиҳаларнинг ҳар бири учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача грант маблағлари берилади ва улар 2022-2023 йилларда Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм миқдорида қўшимча ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Д.А. Кучкаров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов), Молия вазирлиги (Ж.И. Аbruев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев):

бир ой муддатда стартап ғоялари танловларини очиқ ва ошкора ташкил этиш, лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш тартибини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда стартап ғояларнинг амалга оширилишига кўмаклашсин.

8. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖга ёшларнинг янги гоёлар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш вазифаси юклатилсин.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖга ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилади.

9. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У.Н. Ташкенбаев) билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан босқичма-босқич умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари дарслари Кембриж дастури асосида ўтказилишини ҳамда ўқитувчиларнинг ушбу дастур асосида қайта тайёрланишини таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов) 2021 йил якунига қадар барча умумий ўрта таълим мактабларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишларини тўлиқ якунласин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни арафасида Ҳукуматнинг дастури, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг алоҳида ҳудудий дастурлари қабул қилинади;

мазкур дастурлар ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлади.

Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июнга қадар мазкур бандда кўрсатилган Ҳукумат дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, шунингдек, ҳудудий дастурлар қабул қилинишини ташкил қилсин.

11. Олий Мажлис Сенатига:

а) ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида: мазкур қарорнинг 10-бандида белгиланган Ҳукумат ва ҳудудий дастурларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш, бу борада халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш;

фаол ва ташаббускор ёшлар орасидан янги авлод захира кадрларини шакллантириш;

халқ депутатлари Кенгашларида «Ёшлар парламенти вакиллари мактаби»ни ташкил қилиш;

б) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган раҳбарларнинг Олий Мажлис палаталари ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб бориш тартибини жорий этиш;

«Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз» ташаббусни амалга ошириш;

халқ депутатлари Кенгашлари тавсияси асосида ёш, фидойи, азмушижоатли ёшларни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларига бириктириш тавсия этилсин.

12. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.А. Хасанов) Олий Мажлис Сенати томонидан шакллантирилган янги авлод захира кадрларини Миллий кадрлар захирасига киритсин ҳамда уларнинг раҳбарлик лавозимларига асосий номзод сифатида тавсия этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳудудларда ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Олимпия ва Паралимпия ҳамда Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва республика чемпионатларида охириги 5 йилда ғолиб ва совриндор (1 — 3 ўрин) бўлган спортчи-тренерларга, шунингдек, олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритувчи спортчи-тренерларга:

спорт тўғарақларини ташкил этиш учун туман ва шаҳарларда бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектга нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ижарага берилади;

спорт тўғарақларини ташкил этиш учун спорт инвентарлари, буюмлари ва жиҳозларини харид қилиш учун бюджет маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилади;

камида 100 нафар ёшларни мунтазам спорт билан шуғулланишини ташкил этган тақдирда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳар ойлик тўлов жорий этилади.

14. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили ёшларга мўлжалланган бадий асарлар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида «Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб» танловини ташкил этсин.

Белгилансинки, танловда ғолиб деб топилган муаллифларга биринчи ўрин учун — 100 миллион сўм, иккинчи ўрин учун — 75 миллион сўм, учинчи ўрин учун — 50 миллион сўм мукофот маблағлари ажратилади.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мукофотларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни 2021 йилда Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини ҳамда 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форумида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъмин-

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

16. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йилнинг 31 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 июль,  
ПФ-6260-сон

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**415 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек  
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6044-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 июль,  
ПФ–6261-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 13 июлдаги  
ПФ–6261-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5368-сон Фармонининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Белгилаб қўйилсинки, спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига, аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июлда эълон қилинган.

«Жисмоний тарбия ва спорт объектларини куриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5787-сон Фармонида 6-банднинг:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча тўртинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–6033-сон Фармонида 7-банднинг:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилари тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6079-сон Фармонига 26-илованинг 21-позицияси «Амалга ошириш механизми» устунидан 2-банди чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ–843-сон қарори билан тасдиқланган Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг биринчи хатбошисидаги «баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга» сўзлари «баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаси аъзоси бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 9-бандда:

иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган шартларга риоя қилиш ва баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмасида доимий аъзоликда бўлиш»;

учинчи хатбошисидаги «баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияни,» сўзлари «баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмасига аъзолиги тўғрисидаги маълумотни ва» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) VI-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 29-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

е) X-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида:

а) 9-банднинг 9-кичик бандида:

учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«осуществляет внешний контроль качества работы аудиторских организаций»;

олтинчи хатбошидаги «и аттестацию руководителей аудиторских организаций» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 11-банднинг йигирма биринчи хатбошисидаги «и аудиторских» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4381-сон қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, баҳоловчиларни тоифалаш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари иштирокида амалга оширилади».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги «Микромолдавий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4400-сон қарорида 5-банднинг учинчи хатбошисидан «ва ломбардлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 13 июлдаги  
ПФ-6261-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4473-сон Фармониغا 1-илованинг 6-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5620-сон Фармониغا 1-илованинг 7-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5731-сон Фармониغا илованинг 4-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5894-сон Фармониغا илованинг 32-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги



«Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–605-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарорига 31-илованинг 6-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 15 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–1756-сон қарорига илованинг 1-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–2280-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–2597-сон қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПҚ–2601-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2750-сон қарорига 2-илованинг 4 ва 17-бандлари ҳамда 3-илованинг 1, 5, 6, 37, 44, 47, 48, 50, 52, 59, 61, 63, 64 ва 68-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**416 Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, фитосанитар ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, минерал ўғит ва кимёвий воситаларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тизимини тўлиқ хусусий секторга ўтказиш, ташқи бозорда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, минерал ўғитлар ва агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ташкил этилсин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖлар акциядорларининг:

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖлар;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича давлат комиссиясини тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин;

«Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖларни тугатиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда — Тугатиш комиссияси) таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ ва унинг ҳудудий комиссияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссия) намунавий таркиби 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тугатиш комиссияси (Ш.М. Фаниев):

уч ой муддатда «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖлар дебитор ва кредитор қарздорликларини белгиланган тартибда хатловдан ўтказиб, кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширсин;

икки ой муддатда «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖлар мол-мулклари ва асосий воситаларини хатловдан ўтказиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ўтказиш ёки хусусийлаштириш чораларини кўрсин;

мол-мулк ва техникаларни талон-торож қилинишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриб борсин.

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу йўналишда зарур ишлов бериш техникалари, агрометеостанциялар, биолоборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар харид қилинишда давлат томонидан 2024 йил 31 декабрга қадар қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий қилинсин:

а) қуйидагилар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинади:

суммаси 10 млрд сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 баробаридан ошмайдиган миллий валютада ажратиладиган кредитлар учун фоиз тўловларининг харажатлари, Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 7 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

тижорат банклари томонидан эквиваленти 10 млрд сўмдан ошмайдиган хорижий валютада ажратиладиган кредитлар учун — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, бироқ 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда фоиз;

б) ажратиладиган кредит таъминотининг 50 фоизигача, бироқ 10 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кафиллик тақдим этади.

5. Қуйидагилар «Агробанк» АТБ томонидан:

ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига лабораторияларни ташкил этиш, ускуна ва техникаларни сотиб олиш ҳамда айланма маблағлари учун 200 млрд сўмлик кредит линияси очилганлиги;

Қишлоқ хўжалиги йўналишида, шу жумладан, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар ва аҳолининг билим даражасини ошириш мақсадида «Агробанк» АТБ қошида «Фермерлар мактаби» ташкил этилганлиги;

Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва соҳадаги изланувчиларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги инновацион тадқиқотларни амалиётга жорий қилганлик учун 10 млрд сўм миқдорда грант ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Агробанк» АТБнинг Тошкент вилоятида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг комплекс хизматларини кўрсатувчи марказни (кейинги ўринларда — Намунавий марказ) ташкил этиш бўйича буюртмачи этиб «Агробанк» АТБни белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига «Агробанк» АТБ билан биргаликда Намунавий марказ тажрибаси асосида тадбиркорларнинг ўсимликларни ҳимоя қилишнинг комплекс хизматларини кўрсатувчи бизнес лойиҳаларини ташаббускорларнинг ўз маблағлари, банк кредити ва лизинг асосида босқичма-босқич ташкил этиб бориш вазифаси юклатилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини таш-

кил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

9. Агентлик:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар фавқулодда вазиятларда зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) олти ой муддатда «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги ва «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар нормаларини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин;

в) жорий йил якунига қадар минерал ўғит ва кимёвий воситалар импорти, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатига белгиланган тартибда киритиш чораларини кўрсин;

г) жорий йил якунига қадар:

хусусий секторда ўсимликлар химояси соҳасида хизмат кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ходимларини сертификатлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда айрим кимёвий воситаларни агроном-инспекторнинг тавсияси ва рецепти асосида ердан фойдаланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида сотиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Агентлик билан биргаликда зарарли организмларга қарши кураш тадбирларини амалга оширишда агроном, фитопатолог, энтомолог, хим-биолог бўлган мутахассисларни иш билан таъминлаш мақсадида уларни ўқитиш ва малакасини ошириш орқали ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ, ўсимликлар клиникалари ва биологаторияларга жалб қилиш тизимини шакллантирсин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) Агентликнинг «e-Fitouz» автоматлаштирилган ахборот тизимини янада кенг жорий қилиш мақсадида соҳага оид барча фаолиятни ушбу тизимга интеграция қилишда тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

в) Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б.Қ. Юсупалиев) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида зарарли моддаларнинг (пестицидлар, микотоксинлар, нитратлар, токсик элементлар, минерал ўғитлар ва бошқалар) миқдорини белгилаш ва уларнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни халқаро стандартларга уйғунлаштирсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур Фармонда белгиланган вазифа-

лардан келиб чиқиб, янги тизимни самарали ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи «Йўл хариталари»ни тасдиқласин ва унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

12. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда:

Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ишларини ташкиллаштиради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш тўғрисида телевидение орқали кўрсатувларни доимий намойиш қилсин ҳамда ижтимоий реклама сифатида уларни телевидение ва радиоканалларда жойлаштиради.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йилнинг 31 декабрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 15 июль,  
ПФ-6262-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 15 июлдаги  
ПФ–6262-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–3358-сон Фармониغا илованинг:

III бўлими қуйидаги мазмундаги 11-банд билан тўлдирилсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги»;

VI бўлимидан 10-банди чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5490-сон Фармониغا 2-илованинг 12-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

12.	Ўсимлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда ўсимликлар карантини бўйича тадбирлар ўтказилиши устидан назорат қилиш.	Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги	1 кун
-----	---	---	-------

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2640-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги ПҚ–2800-сон «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг формали кийим-бошларини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмининг тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 1-илованинг «Идоравий формали кийим» бўлимидаги 7-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3249-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизими-ни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3574-сон қарорига 8-банднинг учинчи хатбошисидаги «100 миллиард» сўзлари «50 миллиард» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3626-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4861-сон қарорининг 1, 3, 4, 5, 6, 6а ва 8-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4975-сон қарорига 1-иловадаги «Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти» блоки чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон қарорига 1-иловадаги ««Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича давлат комиссияси Ишчи органи» давлат унитар корхонаси» блоки чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**417 «Янги Андижон» шахрини барпо этиш ишларини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\***

Андижон вилояти аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва шаҳар ҳудудлари қурилишини жадаллаштириш мақсадида:

1. Андижон вилояти халқ депутатлари Кенгашининг 440 минг аҳоли учун турар жой, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, кичик саноат ва яшил ҳудудларни ўз ичига олган «Янги Андижон» шахрини (кейинги ўринларда — шаҳар) босқичма-босқич комплекс қуриш учун Андижон туманининг адирликлари ҳудудидаги ўзлаштирилмаган 4 минг гектар ер майдонини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, шаҳар барпо этилишининг биринчи босқичида 121 минг аҳоли учун кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек кичик саноат зонаси қурилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

«Янги Андижон» шахрини барпо этиш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин;

Республика комиссияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида «Янги Андижон» шахрини барпо этиш бўйича доимий фаолият юритувчи штаб (кейинги ўринларда — Штаб) 2-иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин;

Андижон вилояти ҳокимлиги ҳузурида «Янги Андижон» шаҳрида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этилсин ва унинг тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Республика комиссиясининг (А. Арипов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳарнинг бош режасини ҳамда шаҳар ҳудудларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

шаҳарни тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида барпо этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, Штаб ва Дирекция фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 июлда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ваколатли ташкилотларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш бўйича ишини мувофиқлаштириш;

давлат ва корпоратив харидлар очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширилишини таъминлаш ва уларнинг назоратини олиб бориш;

мазкур қарорда кўзда тутилган ҳолларда тўғридан-тўғри битимлар асосида тузиладиган шартномаларнинг рўйхатини тасдиқлаш;

шаҳарни барпо этиш учун ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан тизимли назоратни олиб бориш ҳамда, зарур ҳолларда, ажратилаётган маблағлар тақсимотига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

шаҳарни барпо этиш ҳамда ҳудудда кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини самарали жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш ишлари манзилли дастурларини тасдиқлаш ҳамда шу асосда қурилиш ишларининг олиб борилишини мувофиқлаштириш;

кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда энг мақбул меъморий ва технологик ечимларнинг қўлланилиши, энергия тежамкор ускуналар ва материаллардан фойдаланилишини таъминлаш;

кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларига малакали хорижий мутахассис ва консультантларнинг жалб қилилишини, шунингдек илғор хорижий технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш;

Дирекция раҳбарини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш ҳамда Дирекциянинг йиллик харажатлар сметасини тасдиқлаш.

4. Қўйидагилар Штабнинг (Д. Адилов) асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳар ҳудудида кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун топшириқларни тасдиқлаш;

шаҳар ҳудудларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлаш;

шаҳарсозлик, тарихий-маданий, ижтимоий ва йўл-транспорт тадқиқотлари ҳамда муҳандислик қидирувлари натижаларини келишиш;

бирламчи рухсат берувчи, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган муддатда сифатли тайёрланишини назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларини келишиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини танлаш бўйича давлат харидлари шартларини белгилаш ва ҳужжатларини тасдиқлаш;

лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш ишлари бўйича техник ва муаллифлик назорати олиб борилишини мувофиқлаштириш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ишлари манзилли дастурларини ишлаб чиқиш ва Республика комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш ҳамда шу асосда қурилиш ишларининг олиб борилишини ташкил этиш;

шаҳарни барпо этиш жараёнида Республика комиссияси томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

шаҳар ҳудудида инвесторлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларни тизимли равишда назорат қилиб бориш;

қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик норма ва қоидалари ҳамда лойиҳа ҳужжатлари талаблари асосида сифатли бажарилиши юзасидан лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати ва буюртмачиларнинг техник назорати юритилиши ҳамда қурилиш соҳасида давлат назоратининг ўрнатилишини таъминлаш;

шаҳарни барпо этиш ва унинг ҳудудида объектларни қуриш учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ташкил этиш;

шаҳарни барпо этиш ва унинг ҳудудида объектларни қуриш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича чоралар кўриш;

шаҳар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш устидан доимий мониторинг юритиш ва унинг натижалари юзасидан маълумотларни ҳар ҳафтада Республика комиссиясига тақдим этиб бориш;

шаҳарни барпо этиш ҳамда ҳудудда кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини самарали жойлаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини олиб бориш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритиб бориш.

5. Қуйидагилар Дирекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

геодезия, геология, гидрометеорология ва экологик муҳандислик-қидирув ва тадқиқот ишларини ташкил этиш;

шаҳарсозлик, тарихий-маданий, ижтимоий ва йўл-транспорт тадқиқотлари олиб борилишини ташкил этиш;

шаҳарни барпо этиш ҳамда унинг ҳудудида кўп қаватли турар жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмалари объектларини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқларни тайёрлаш;

бирламчи руҳсат берувчи, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган муддатда сифатли тайёрланишини таъминлаш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

лойиҳа ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

очиклик ва шаффофлик тамойиллари асосида, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш-пудрат ташкилотларини танлаш бўйича давлат харидларини амалга ошириш ҳамда улар билан шартномаларни имзолаш;

шаҳарни барпо этиш ва унинг ҳудудида объектларни қуриш учун ер участкаларини ажратиш билан боғлиқ жараёнларда белгиланган тартибда иштирок этиш;

объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш ишлари бўйича техник ва муаллифлик назоратини олиб борилишини таъминлаш ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда объектларни фойдаланишга қабул қилиш ишларини ташкил этиш;

субъектларнинг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлари шаффофлигини таъминлаш;

шаҳарни қуриш ишларига салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, интернетдаги сайтлар ва ижтимоий тармоқларда тақдирот тадбирларини ва кенг реклама кампаниясини олиб бориш ишларини ташкил этиш;

шаҳар ҳудудида объектлар қурилишини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилотлари томонидан энергияни тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилиши ҳамда юқори технологик материаллар ва буюмлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

қабул қилинган мажбуриятлар инвесторлар томонидан лозим даражада бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, инвесторлар томонидан мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

шаҳар ҳудудида, жумладан, бошқарув компанияларини тузиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб этиш йўли билан муҳандислик-коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойлардан фойдаланишни ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

инвесторлар, тадбиркорлик субъектлари, ишларни бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчи шахслар, бинолар, иншоотлар ва кўп қаватли уй-жойлар мулкдорлари ва улардан фойдаланувчилар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ва объектлардан фойдаланишда белгиланган ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

6. Белгилаб қўйилсинки, шаҳарни барпо этишнинг биринчи босқичи доирасида:

а) Дирекция томонидан ўз маблағлари ҳисобидан Республика комиссия билан келишилган ҳолда, объектларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларида иштирок этиш, муаллифлик ва техник назоратни амалга ошириш учун юқори малакали хорижий мутахассис ва консультантлар тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб қилиниши мумкин;

б) қуйидагилар:

ички йўлларни, ижтимоий соҳа ва ободонлаштириш объектларини қуриш бўйича — Дирекция;

ташқи муҳандислик, алоқа ва транспорт коммуникация объектларини қуриш бўйича — тегишлилиги бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг буюртмачи хизматлари буюртмачи вазифасини бажаради;

в) истисно тариқасида, тўғридан-тўғри шартнома асосида:

шаҳарнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — бош лойиҳа ташкилоти «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК томонидан «Keym Kentsel Yenileme Merkezi A.Ş.» компанияси (Туркия);

ичимлик суви ва канализация тармоқлари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — «Ўзкоммуналлоийҳақурилиш» МЧЖ ҳамда мустақил инжиниринг ва консалтинг компаниялари;

автомобиль йўллари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — «Йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ, «Ўзйўллойиҳа» лойиҳа-қидирув институти» ДУК, Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги бошқа лойиҳа ташкилотлари ҳамда мустақил инжиниринг ва консалтинг компаниялари;

электр энергияси, табиий газ ва иссиқлик тармоқлари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — Энергетика вазирлиги тизимидаги лойиҳа ташкилотлари ҳамда мустақил инжиниринг ва консалтинг компаниялари;

ижтимоий соҳа, инфратузилма объектлари ва умумий фойдаланиш майдонлари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — буюртмачилар томонидан энг яхши таклифлар танлови орқали аниқланган лойиҳа ташкилотлари ҳамда мустақил инжиниринг ва консалтинг компаниялари жалб қилинади;

г) шаҳарда кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун металл прокат ва цемент маҳсулотларини пудратчи ташкилотларга етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармонида кўзда тутилган алоҳида биржа савдо секцияси орқали сотиш тартиби асосида амалга оширилади.

7. Дирекциянинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги ПҚ-5154-сонли қарориди кўзда тутилган маблағлар, Андижон вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ва унинг қўшимча манбалари, хўжалик фаолиятидан тушадиган маблағлар, хомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Бунда, Дирекциянинг штатлар жадвали ва харажатлар сметалари ўрнатилган тартибда молия органларида рўйхатдан ўтказилади.

8. Шаҳарни барпо этишнинг биринчи босқичини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ижтимоий соҳа, йўл-транспорт, ирригация ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари объектларини барпо этиш, лойиҳалаштириш ишлари, қурилиш ишларини назорат қилиш ва бошқариш харажатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги ПҚ-5154-сонли қарорининг 1-банди «а» кичик бандида назарда тутилган маблағлар;

шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун —

Андижон вилоятининг маҳаллий бюджет маблағлари ва унинг қўшимча манбалари, тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари;

кўп қаватли уй-жойлар қурилиши — тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафиллик ва компенсация тўловлари;

бозор инфратузилмаси ва хусусий ижтимоий соҳа объектлари қурилиши — тадбиркорлик субъектлари маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари;

электр энергияси, табиий газ ва алоқа тармоқлари қурилиши — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги ПҚ-5154-сонли қарорида кўзда тутилган маблағлар ва тегишлилигига кўра эксплуатация қилувчи корхоналарнинг ўз маблағлари.

9. Штаб раҳбари (Д. Адилов):

а) тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилинадиган тажрибали инжиниринг компаниялар, шунингдек, хорижий мутахассис ва консультантлар томонидан лойиҳа ҳужжатларини қўшимча экспертиза қилиш ва бажариладиган ишларнинг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиб боришни таъминласин;

б) Давлат геология қўмитаси (Б. Исламов) билан биргаликда, заруратга кўра чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда:

икки ой муддатда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун муҳандислик-геология ишларини ташкиллаштирсин;

уч ой муддатда Андижон шаҳрининг янги ҳудудларини қамраб олган ҳолда Андижон шаҳрининг микросейсмик ҳудудлаштириш харитасини қайта кўриб чиқиб, янгиласин.

10. Қурилиш вазирлиги (Д. Адилов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Андижон шаҳрида хорижий қурилиш соҳасида тажрибали лойиҳа компанияси филиалини ташкил этиб, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ишларини йўлга қўйсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдурахманов) уч ой муддатда «Янги Андижон» шаҳрида яшовчи аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида шаҳар атрофида амалга ошириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, уларнинг амалга оширилишини назоратга олсин.

12. Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдурахманов):

лизинг корхоналарини жалб қилган ҳолда шаҳардаги кўп қаватли уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган қурилиш-пудратчи корхоналарга Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ қурилиш техникалари ва машина-механизмларни лизинг асосида етказиб бериш чораларини кўрсин;

тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда шаҳарни барпо этиш ҳамда бунинг учун Андижон туманидан зарур ер майдонини Андижон шаҳрига беришни ташкил этиш юзасидан тегиш-

ли қарор лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Дирекция фаолиятини йўлга қўйиш, унинг таъсис хужжатларини тасдиқлаш, моддий-техника базасини яратиш, малакали кадрлар билан таъминлаш ва бошқа ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин.

13. Республика комиссияси (А. Арипов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда «Янги Андижон» шаҳрини барпо этиш билан боғлиқ бўлган бир йиллик «йўл харитаси»ни тасдиқласин;

шаҳарни барпо этиш ва унинг бош режасини амалга ошириш бўйича тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, юзага келган муаммоли ва ташкилий-техник масалаларни ўз вақтида ҳал этиб борсин;

шаҳарни барпо этиш ва унинг бош режасини амалга ошириш ишлари бориши юзасидан ҳар чорак якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

14. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.К. Адилов ва Андижон вилояти ҳокими Ш.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 июль,  
ПҚ-5180-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**418 Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида\***

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний кадриятларимизни улуглаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль — сешанбага тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 20 июль куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 21-22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини карантин талабларига амал қилган ҳолда халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 июль,  
ПҚ-5182-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**419 Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни  
янада кучайтириш тўғрисида\***

Республика экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида:

1. Экспорт билан боғлиқ савдо ва экспорттолди операцияларини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Экспортни рағбатлантириш агентлиги талабномасига асосан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 5 йил муддатга 1 фоиз ставкасида 100 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағларни ажратсин.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков):

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини;

2021 йил якунига қадар халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва молия компанияларидан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий тижорат банкларига экспорттолди молиялаштириш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 13 июль,  
ПҚ-5184-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июлда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**420 Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва  
ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўсимликларни зарарли организмлардан ишончли ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6262-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қўйидагилар:

2021 — 2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага\*\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг тузилмаси 4-иловага\*\* мувофиқ;

Вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4а-иловага\*\* мувофиқ;

Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг тузилмаси 4б-иловага\*\* мувофиқ;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро битимлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

4. Белгилаб қўйилсинки Агентлик бош директори Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

## 5. Агентликка қўйидаги вазифалар юклатилсин:

ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрокимё соҳаларида ягона давлат сиёсати ва назоратини амалга ошириш;

тупроқ агрокимёвий таҳлилларини ўтказиш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча турдаги минерал ва микробиологик ўғитлар сифатини назорат қилиш, тупроқ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тар-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июлда эълон қилинган.

\*\* 1 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кибидаги пестицид, нитрат ва оғир металл тузлари қолдиқларини дала шароитида радиологик-токсикологик таҳлиллардан ўтказиш;

Ўсимликлар карантини ва химоясида прогноз тизимини такомиллаштириш, зарарли организмларга қарши курашнинг уйғунлашган самарали усулларини белгилаш ҳамда ижросини назорат қилиш, мониторинг олиб бориш, иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда йўқ қилиш;

Ўсимликлар клиникалари ва биологический лабораториялар тизимини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологический воситалари ҳамда минерал ва микробиологический ўғитларнинг биологический самарадорлиги бўйича синовларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, қишлоқ хўжалигида кимёлаштириш ва биологический воситалардан фойдаланиш соҳасида норматив, регламент ва стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда кимёлаштириш ва биологический воситалар реализацияси билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

фитосанитар хавфсизликни таъминлашда илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ривожлантириш, замонавий инновацион ечимлар, режалаштириш ва бошқариш усулларини жорий этиш, илғор технологиялар ҳамда иш усулларини жорий этишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, соҳада кадрларни тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

6. Агентлик, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда «Ўзагрокимёхимоя» АЖ ва ҳудудий «Агрокимёхимоя» АЖларни тугатиш бўйича Республика комиссиясининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) тугатилаётган «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги:

чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматини «Ўзагрокимёхимоя» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини камаййтириш ҳисобига Агентликка ўтказиш;

тут парвонасига қарши кураш бўйича давлат буюртмасини бериш вазифасини Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига юклаш;

б) Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси негизда Агентликнинг Ўсимликлар карантини ва химояси тизимини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма)ни қайта ташкил этиш;

в) Агентлик тизимида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази негизда Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги-

нинг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Илмий-тадқиқот институти) ва унинг минтақавий филиаллари;

Илмий-тадқиқот институтининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларидаги филиаллари;

«Агрокимё станцияси» МЧЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизда Республика агрокимёвий таҳлил маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

«Республика ўқув ишлаб чиқариш биолобораторияси» МЧЖ ва «Республика «Биосифат» марказий лабораторияси» МЧЖ негизда «Биосифат» республика марказини ташкил этиш;

Бунда, «Агрокимё станцияси» МЧЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг, «Республика «Биосифат» марказий лабораторияси» МЧЖ ва «Республика ўқув-ишлаб чиқариш биолобораторияси» МЧЖнинг улуши тўлиқ Агентликка ўтказилади;

г) «Агрокимё станцияси» МЧЖ ҳудудий филиалларининг лабораторияларини модернизация қилиш мақсадида сотиб олинган замонавий лаборатория асбоб-ускуналарини ҳудудий «Агрокимёҳимоя» АЖларнинг устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари балансига бериш.

#### 7. Белгилансинки:

2021 йил 1 августдан бошлаб Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, бино ва иншоотларини сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий харажатларини қоплаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларига ажратилган хоналарни зарур ташқи муҳандислик коммуникациялари ҳамда инфратузилмасига улаш, мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ишлари Жамғарма ҳамда халқаро грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларини сақлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратиладиган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

#### 8. Белгилаб қўйилсинки:

Илмий-тадқиқот институти, Марказ ва «Биосифат» республика маркази давлат муассасаси шаклидаги юридик шахслар ҳисобланади;

Илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари, Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари, «Биосифат» республика маркази, Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари республика бюджетидан, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари асосида ажратиладиган грантлар, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун шартномалардан тушум, халқаро молия институтлари грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

мазкур қарорнинг 8-бандига мувофиқ ташкил этилган муассасалар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ушбу муассасалар тузилиши учун асос қилиб олинган ташкилотларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

9. Қўйидагилар:

а) Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Жамғарма маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари ва грантлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

импорт ва транзит карантин рухсатномалари, халқаро, ички ва реэкспорт фитосанитария сертификатлари, транспорт бирлигини очиш ва карантин қўриғи далолатномаси расмийлаштирилишидан олинadиган тўловлар;

ўсимликларни химоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситалар, минерал ва органик ўғитларни сақлаш, реализация қилишни лицензияладан олинadиган тўловлар;

кўрсатилган лаборатория таҳлиллари хизмати учун олинadиган тўловлар;

зарарсизлантириш (фумигация) ишлари ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинadиган тўловлар;

биолобараториялар фаолияти учун берилadиган техник рухсатнома ва биомахсулот сифати бўйича сертификатлар учун олинadиган тўловлар;

кимёвий ва биологик химоя воситаларининг биологик самарадорлиги бўйича ўтказиладиган синовлар учун олинadиган тўловлар;

маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликка мувофиқ ундириладиган жарималар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни ҳал этиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

10. Агентлик ва унинг тизимида янгидан ташкил этилаётган ташкилот-

ларнинг штат бирликлари ҳамда бошқа харажатларини қоплашга қўшимча равишда талаб этиладиган маблағлар Давлат бюджетининг 2021 йил параметрларида зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қоплансин.

11. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг яхлит тизими яратилаётганлиги ва ушбу тизимнинг фаолияти биринчи навбатда ўсимликлар зараркунандалари ва касалликлари тарқалишининг олдини олишга қаратилганлигини ҳисобга олиб, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Агентлик учун 50 млрд сўм маблағ кўзда тутилсин.

12. 2021 йилнинг 1 августидан бошлаб Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларидан Жамғармага келиб тушадиган давлат божи ва йиғими кўринишидаги тушумларнинг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилсин.

13. Агентлик бош директорига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентликнинг марказий аппарати ва унинг қўйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармалари, Агентликка идоравий мансуб ташкилотлар низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг белгиланган сонини тасдиқлаш;

ишлаб чиқариш зарурати ва иш юкларидан келиб чиқиб Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

бўйсунувдаги идораларнинг низомини тасдиқлаш;

малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ишга ёллаш.

14. Агентликка, унга юклатилган вазифаларни бажариш учун агродронларни Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси орқали олиб кириш ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги томонидан улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик томонидан зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги уч кун муддатда агродронларни ишга тушириш учун рухсатнома берсин.

15. Агентлик:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий ва йирик шаҳарларида ҳамда Тошкент шаҳрининг барча туманларида манзарали ва мевали дарахтлар, буталар ҳамда гулларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда алоҳида назоратни амалга оширсин;

бир ой муддатда Республика агрокимёвий таҳлил маркази, Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва Биосифат республика маркази тузилмала-

рини тасдиқлаш тўғрисидаги Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг марказий ва йирик шаҳарларида ҳамда Тошкент шаҳрида давлат унитар корxonаси шаклида Манзарали ва мевали дарахтлар, буталар ва гулларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш марказини қўйидаги вазифалар юклатилган ҳолда ташкил этиш чораларини кўрсин;

манзарали ва мевали дарахтлар, буталар ҳамда гулларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

манзарали ва мевали дарахтлар, буталар ҳамда гулларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш бўйича препаратлар ҳамда минерал ўғитлар захираларини шакллантирсин.

17. Қўйидагилар:

Агентликнинг марказий аппарати Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 77а-уй;

Илмий-тадқиқот институти ва Биосифат республика маркази Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-уй;

Марказ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 8-уй манзиллари бўйича жойлаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Агентлик зиммасига юклатилган назорат механизмларини такомиллаштириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 15 июль,  
ПҚ-5185-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**421 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Маданият вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини (кейинги ўринларда — Марказ):

«Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон» ғоясини кенг тарғиб қилувчи;

мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи;

моддий маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожига ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш;

Ўзбекистонда юз берган умуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдизлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича зарур чораларни кўриш;

буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб бориш;

ёшларни илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги уйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа маҳсулотлар, илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш;

зиёрат туризмнинг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли ошириб боришни таъминлаш;

илм-фаннинг жадал тараққиётини кўрсатиб берувчи сермазмун экспо-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июлда эълон қилинган.

натлар фонди, қўлёзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналари тармоғига уланишини таъминлаш;

Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси бўйича фундаментал тадқиқотлар дастурлари ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

ислом цивилизациясини тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маърузалар, семинар-тренинглари, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни доимий ташкил этиб бориш;

ислом цивилизацияси йўналишида амалга оширилган янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, республика музейлари ва кутубхоналарида ишлаётган ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий тренинглари йўлга қўйиш;

ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қоғоз, китобат, муқова-созлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

«Учинчи Ренессанс — Янги Ўзбекистон» ғоясининг мазмун-моҳиятини, жумладан, унинг илм-фан ривожини, динлараро ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

«Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда тегишли вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилансин.

4. Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ директори Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

5. Қуйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар этиб белгилансин:

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали Марказ китоб фондини кенгайтириш;

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган мультимедиа ва тармоқ қурилмалари ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Марказ икки ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Марказ ҳузурида Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Лабораторияни ташкил этиш, айрим асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига соҳада етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинади ва уларнинг гонорари (иш ҳақи) Жамғарма ҳисобидан тўланади;

Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовлари натижаларини, жумладан, Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотлик санъати ижодий маҳсулини реализация қилишдан тушган маблағлар Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

7. Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Марказ Фанлар академияси, Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Комиссия фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Марказ ва Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти тарихий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгилансин.

Марказ бир ой муддатда давлат тасарруфидаги барча музей, кутубхона, архив фондлари ва бошқа давлат муассасаларидаги қадимий қўлёзма ва тошбосма манбалар рўйхатини шакллантирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Марказ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида тарихий ёзма манбаларнинг босқичма-босқич Марказ тасарруфига ўтказилиши бўйича чораларни кўрсин;

ислом цивилизацияси ва зиёрат туризмнинг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ислом цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни етиштириш бўйича Марказ ҳузурида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этсин;

Марказни юқори малакали, чуқур билим ва амалий иш тажрибасига эга кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар:

Марказ таркибидаги кутубхона, архив ҳамда музейда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмаларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

рақамлаштирилган барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи мобил иловани ишга туширсин ва аҳоли орасида унинг кенг тарғиботини амалга оширсин;

Марказ расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобил илова ўртасида маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

12. Марказ ва унинг таркибий бўлинмалари Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй манзилидаги Ўзбекистон халқаро ислом академияси биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш ишлари учун 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратилишини, 2022 йилдан бошлаб эса келгуси йилларда амалга ошириши белгиланган вазифалар учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларнинг назарда тутилишини таъминласин.

14. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этиш, тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишга масъул ҳамда шах-

сий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Ш. Миноваров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот кiritиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 июль,  
ПҚ-5186-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 16 июлдаги  
ПҚ-5186-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг  
қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория  
томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Самарқанд қоғозининг қадимий ишлаб чиқариш технологиясини тиклаш ҳамда муқовасозлик ва хаттотлик санъатининг илмий асосларини ўрганиш.

2. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида сақланаётган Самарқанд қоғозига ёзилган қадимий қўлёзма ва тошбосма асарлар варақларини илмий тадқиқ қилиш.

3. Эскирган ва ярқисиз ҳолатга келган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар ҳамда асарларни замонавий технологиялар асосида таъмирлаш, муқовалаш ва тиклаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

4. Мамлакатимиздаги фондларда сақланаётган қўлёзма китоб ва хужжатларни таъмирлаш учун ярқили қоғоз турларини яратиш.

5. Хорижлик саёҳатчилар, қадимий Самарқанд қоғози мухлислари ва анъанавий миниатюра санъати билан шуғулланаётган рассомлар учун қоғоз намуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

6. Анъанавий Самарқанд қоғози устида илмий-амалий тадқиқот ўтказиш истагида бўлган фуқаролар учун илмий-тадқиқот материалларини тайёрлаш.

7. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейига ташриф буюрувчилар учун Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш, муқовасозлик ва хаттотлик санъати бўйича жонли экспозицияни яратиш.

8. Муқовасозлик ва хаттотлик санъати бўйича Марказда ўқув курсларини жорий қилиш ҳамда аҳоли ўртасида ушбу ноёб санъат турлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини кенг тарғиб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 16 июлдаги  
ПҚ–5186-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3080-сон қарорида:

а) 5-банд:

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 августдан бошлаб Марказ директори, унинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари, илмий маслаҳатчиси ва илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 233-сонли қарорида назарда тутилган базавий лавозим маошлари 2,3 барабар оширилган ҳолда татбиқ этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5416-сон Фармонида назарда тутилган оширилган коэффицентлар Марказ директори, унинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари, илмий маслаҳатчиси ва илмий ходимларига татбиқ этилмайди.»;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг матни\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

в) 2-илованинг матни\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 41-банд билан тўлдирилсин:

«41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи экспозицияси, музей ва кутубхона фондларини шакллантириш мақсадида хорижда ва Ўзбекистонда тайёрланадиган экспонатлар, санъат асарлари, суратлар, ҳайкаллар ва бюстлар, гиламлар, матолар, қўлёзмалар ва нашр асарлари нусхалари, харталар, паннолар, стендлар, видео-аудио ва юқори технологик намоёишлар учун материалларнинг хариди.».

---

\* 1-2-илова матнлари «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

**422** «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алко-голизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ўРҚ-644-сон «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 3 майдаги 65-сон «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2591, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 275-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
231-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 14 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2021 йил 8 июлдаги  
231-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм,  
гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан  
тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг номи ҳамда 1-бандидаги «алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка» деган сўзлар «наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Иловада:

а) номи ҳамда муқаддимадаги «алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка» деган сўзлар «наркологик касалликка (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига асосан алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин.»

в) 17-банддаги «алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликдан» деган сўзлар «наркологик касалликдан (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**423** **Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июндаги 366-сон «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 15-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 июль,  
9-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил  
2 июлдаги 9-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банддаги «тиббий-меҳнат экспертизаси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий экспертиза» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 22-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Қўйидаги ҳолларда бемор тегишли тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига (кейинчалик матнда ТИЭК деб юритилади) юборилади:»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслар, шунингдек нохуш клиник прогнозли беморлар юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар ўтмасдан туриб ҳам тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига юборилиши мумкин. Ушбу шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишга қабул қилиш тўғрисидаги қарор ТИЭК раиси томонидан қабул қилинади.»

3. 24-банддаги «ТМЭКга», «ТМЭКда», «ТМЭК» ва «ТМЭКда» деган қисқартмалар тегишлича «ТИЭКга», «ТИЭКда», «ТИЭК» ва «ТИЭКда» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

4. 37-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 40-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 41-банддаги «уруш қатнашчилари ва ногиронларига» деган сўзлар «уруш қатнашчилари ва урушдан ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 46-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 49-банддаги «паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат» деган сўзлар «паспорт ёки идентификация ID-картаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.



9. 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1 ва 2-иловаларига\* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

10. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

*Молия вазири*

**Т. ИШМЕТОВ**

*2021 йил 1 июль*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

**Н. ХУСАНОВ**

*2021 йил 21 июнь*

*Тиббий-ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлиги директори*

**А. ИНАКОВ**

*2021 йил 2 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**424** «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 802-сон «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил

\* Иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июлда эълон қилинган.

18 июндаги 1-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3032, 2018 йил 3 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ШИН**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 июль,  
125-сон

*Келишилди:*

*Таълим сифатини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғи*

**У. ТАШКЕНБАЕВ**

*2021 йил 6 июль*

*Соғлиқни сақлаш вазирининг  
биринчи ўринбосари*

**А. ИНОЯТОВ**

*2021 йил 9 июль*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**А. ТОШКУЛОВ**

*2021 йил 7 июль*

*Маҳалла ва оилани қўллаб-  
қувватлаш вазири*

**Р. МАМАТОВ**

*2021 йил 8 июль*

*Техник жиҳатдан тартибга солиш  
агентлиги бош директори*

**Д. САТТАРОВ**

*2021 йил 8 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**425** «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 344-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 6 августдаги 312, 19-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2138, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 308-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 ноябрдаги 21-2017, 120-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2138-1, 2017 йил 17 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.11.2017 й., 10/17/2138-1/0274-сон).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**А. ТОШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
21-2021-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 15 июлда эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,  
2021 йил 7 июль,  
15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**426** «Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2734-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 460-сон «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 30 октябрдаги 9-2015-сон «Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2734, 2015 йил 26 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 47-сон, 604-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ТОШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июль,  
22-2021-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг  
2021 йил 8 июлдаги 22-2021-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**«Олий таълим муассасалари магистратура  
мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани  
ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига» деган сўзлар «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**427** **Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 16 июлда эълон қилинган.

1. Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2479, 2013 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 380-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 5-мб-сон «Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2479-1, 2018 йил 8 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2018 й., 10/18/2479-1/2008-сон).

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 16 июнь,  
9-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил  
16 июндаги 9-мб-сон қарорига  
ИЛОВА

**Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим  
этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда статистика ҳисоботини (бундан буён матнда статистика ҳисоботи деб юритилади) тақдим этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**статистика ҳисоботи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шакл, тартиб ва муддатларда рес-

пондентлар томонидан бирламчи маълумотлар асосида шакллантириладиган ва бепул тақдим этиладиган статистик маълумотлар;

**респондент** — статистика ҳисоботини тақдим этувчи юридик шахс ёки статистика ҳисоботи алоҳида тақдим этилган тақдирда, унинг алоҳида бўлинмалари, ваколатхоналари ва филиаллари;

**статистика ҳисоботини электрон шаклда йиғиш ахборот тизими** (бундан буён матнда ахборот тизими деб юритилади) — статистика ҳисоботини Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этиш ва қайта ишлашни таъминловчи ахборот тизими;

**электрон намуна** — кўрсаткичлар тавсифини, бирламчи статистик маълумотларни текшириш қисмларини, зарур меъёрий-ахборот маълумотларини ўз ичига олган ахборот тизимининг бир қисми бўлган статистика ҳисоботининг электрон шакли;

**электрон рақамли имзо** — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

**электрон ҳужжат** — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот;

**статистика ҳисоботи келиб тушганлиги ҳақида хабарнома** (бундан буён матнда Хабарнома деб юритилади) — статистика ҳисоботининг ахборот тизимига келиб тушган санаси ва статистика органи томонидан уни кўриб чиқиш натижасини респондентга маълум қилиш муддати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, ахборот тизими томонидан автоматик тарзда шакллантирилувчи хабар;

**статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳақида кўрсатма** (бундан буён матнда Кўрсатма деб юритилади) — ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда фойдаланган статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботни тақдим этиш муддатини бузиш ҳолатлари аниқланганда мазкур камчиликларни бартараф этиш муддати ҳақида маълумотларни ўз ичига олган, ахборот тизими томонидан автоматик тарзда шакллантирилувчи хабар;

**статистика ҳисоботи қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома** (бундан буён матнда Маълумотнома деб юритилади) — статистика органи томонидан статистика ҳисоботининг қабул қилинганлигини тасдиқловчи, санаси ва қабул қилган ходимнинг фамилияси кўрсатилган, унинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган ва респондентга юбориладиган электрон хабар;

**қайта ишлаш даври** — тақдим этилган статистика ҳисоботини таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат ста-

стика қўмитаси томонидан белгиланган вақт оралиғи. Қайта ишлаш даври тегишли йиғма статистика маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган йиллик статистика ишлари дастурида белгиланган тарқатиш муддатидан ошмаслиги керак.

2. Статистика ҳисоботи қуйидаги респондентлар томонидан тақдим этилади:

фаолият юритаётган респондентлар (фаолият кўрсатмаётган ва ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилганлардан ташқари);

янги ташкил этилган респондентлар биринчи маротаба, белгиланган статистика ҳисоботининг навбатдаги давридан бошлаб;

фаолияти тугатилган респондентлар фаолият юритган ҳисобот даври учун, ўз фаолиятини тугатиш вақтида.

3. Статистика органлари томонидан статистика ҳисоботини тақдим этишнинг белгиланган даврийлигидан кўпроқ даврийликда талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

4. Электрон шаклдаги статистика ҳисоботи қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга ҳамда белгиланган тартибда электрон архивда сақланиши лозим.

Электрон шаклдаги статистика ҳисоботининг сақланиш муддати, қоғоз шаклидаги статистика ҳисоботлари учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

5. Заруриятга кўра, статистика органи томонидан электрон статистика ҳисоботининг қоғоз шаклдаги нусхаси тайёрланиши мумкин, нусхада тегишли реквизитлар, тайёрланган вақти ва санаси кўрсатилади. Электрон статистика ҳисоботининг қоғоз шаклидаги нусхаси уни тайёрлаган статистика органи раҳбари томонидан имзоланади.

6. Респондентлар ахборот тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон интерактив хизматлар порталида ([my.stat.uz](http://my.stat.uz)) автоматик тарзда яратилган шахсий кабинетни орқали бепул фойдаланади.

7. Статистика ҳисоботи шаклига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тегишли электрон намунага зарур ўзгартиришларни киритиб, ўзининг расмий сайти орқали респондентни ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилади.

## **2-боб. Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш**

8. Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш учун респондент:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг электрон интерактив хизматлар портали ([my.stat.uz](http://my.stat.uz)) орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ахборот тизимидаги шахсий кабинетига киради;

тегишли статистика ҳисоботи шаклини тақдим этиш даврийлиги ва



белгиланган муддатидан кечиктирмай электрон статистика ҳисоботини шакллантиради ва Давлат статистика қўмитасига ахборот тизими орқали жўнатади.

Статистика ҳисоботини тақдим этиш муддатининг сўнгги куни дам олиш ёки байрам (ишланмайдиган) кунига тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи иш куни муддат тугайдиган кун деб ҳисобланади.

9. Электрон шаклда тақдим этилган статистика ҳисоботи, ишончли маълумотлар асосида тўлиқ тўлдирилган ва ҳисобот маълумотларининг мантиқий текшириш натижасида аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилган бўлиши керак.

Электрон намунанинг ҳар бир катакчасидаги кўрсаткич статистика ҳисоботи намунасида ёки унга илова қилинган рўйхатда (номенклатура, таснифлагич) келтирилган ўлчов бирликларига мувофиқ кўрсатилади.

Тегишли катакчада:

кўрсаткич йўқ бўлган ҳолда бўш қолдирилади;

кўрсаткич қиймати белгиланган ўлчов бирлигидан кам бўлган ҳолда вергулдан кейинги қиймат тўлиқ аниқликда ёзиб қўйилади.

10. Статистика ҳисоботида қўйидаги мажбурий реқвизитлар кўрсатилган бўлиши шарт:

респондентнинг номи ва идентификацион кодлари (солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИР, корхона, ташкилотнинг асосий коди — КТУТ);

респондентнинг электрон ва почта манзили;

респондент билан алоқа қилиш учун шаҳар телефон ва мобиль телефон рақами;

ҳужжат яратилган сана;

уни тузишга масъул бўлган мансабдор шахслар тўғрисида маълумотлар; респондентнинг электрон рақамли имзоси.

Мазкур реқвизитларда ўзгаришлар бўлганда, респондент томонидан улар янгиланиши зарур.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги рўйхатга олиш маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан берилган респондентнинг электрон рақамли имзоси билан имзоланган ва ўзида мажбурий реқвизитларни тўлиқ акс эттирган электрон шаклдаги статистика ҳисоботи респондентдан чиқувчи ҳужжат деб ҳисобланади.

### **3-боб. Статистика ҳисоботини тақдим этишда электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги**

12. Респондентдан электрон статистика ҳисоботини қабул қилишда, ахборот тизими унинг электрон манзилни автоматик равишда рўйхатдан ўтказиши, ахборот тизими томонидан электрон манзилнинг рўйхатдан ўтказилиши, респондент учун статистика ҳисоботини фақат электрон шаклда тақдим этиш мажбуриятини бермайди.

13. Статистика ҳисоботини юборгандан сўнг респондент унинг ахборот тизимига келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш муддати тўғрисида ахборот тизими орқали автоматик тарзда шакллантирилган электрон Хабарномани олади, ушбу Хабарнома ҳисоботнинг статистика органи томонидан қабул қилинганлигини тасдиқламайди.

Хабарномадаги статистика ҳисоботини кўриб чиқиш муддати, уни қайта ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

14. Хабарномада кўрсатилган вақтдан кечиктирмай, респондент ахборот тизимидаги ўзининг шахсий кабинетини орқали қуйидаги электрон ҳужжатлардан бирини олади:

Маълумотномани — агар қайта ишлаш учун келиб тушган статистика ҳисоботида маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботни тақдим этиш муддатини бузиш ҳолатлари аниқланмаганда;

Кўрсатмани — агар статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботни тақдим этиш муддатини бузиш ҳолатлари аниқланганда. Бунда кўрсатма барча хато ва номувофиқликлар рўйхатини, уларни бартараф этиш бўйича тавсияларни, шунингдек тўғриланган маълумотларни тақдим этиш муддати, аниқланган қоидабузилишларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги респондентга нисбатан маъмурий чоралар кўрилишига сабаб бўлиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиришни ва қайта ишлашни ўтказган ходимнинг электрон рақамли имзосини ўз ичига олиши лозим.

Ахборот тизими томонидан юбориладиган хабарлар респондентнинг шахсий кабинетини билан бир қаторда, унинг электрон почта манзили, мобил телефон рақамига SMS-хабар орқали ёки алоқанинг бошқа воситалари ёрдамида юборилиши мумкин.

15. Агар респондент, жорий ҳисобот даври учун статистика ҳисоботини юборгандан сўнг, ундаги хатолар ва номувофиқликларни мустақил аниқласа, у статистика органларига тўғриланган ҳисоботни тушунтиришлар билан юборади.

Қайта ишлаш даври ўтгунига қадар респондент томонидан тўғриланган ҳисоботнинг қайта юборилиши статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳисобланмайди, ҳисобот мазкур Низомда белгиланган тартибда статистика органлари томонидан қабул қилинади ва қайта ишланади.

16. Респондент томонидан мустақил тўғриланган ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган қайта ишлаш давридан кечикиб қайта юборилиши статистика ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

17. Статистика органи ходими, жорий ҳисобот даври учун респондентдан электрон шаклдаги статистика ҳисоботини қабул қилганда:

Хабарномада белгиланган муддатдан кечиктирмай уни кўриб чиқишни таъминлаши;

статистика ҳисоботини кўриб чиқиш тугаганидан сўнг бир соатдан кечиктирмай, респондентга электрон рақамли имзо билан имзоланган Маълумотнома ёки Кўрсатмани юбориши.

18. Кўрсатмадаги маълумотларни тўғрилаб тақдим этиш муддати, амалдаги қонунчилик ва қайта ишлаш даврини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

19. Респондент топширилган ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари ҳақида Маълумотни ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали олиши ва маълумотни ўқиганлиги ҳақида муносабат билдириши мумкин.

20. Респондент Кўрсатмани олгандан сўнг, Кўрсатмада белгиланган муддатда статистика ҳисоботини тўғрилаб, уни статистика органига қайтадан юборади. Бунда Кўрсатмада белгиланадиган муддат респондент томонидан статистика ҳисоботини тўғрилаб, уни статистика органига қайтадан юбориш учун мутаносиб равишда белгиланиши лозим.

Агар жорий ҳисобот даври учун тўғриланган статистика ҳисоботи Кўрсатмада белгиланган муддатда тақдим этилган бўлса, ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузганлик учун белгиланган маъмурий жазо чоралари қўлланилмайди.

21. Агар жорий ҳисобот тўғри бўлиб, жорий статистика ҳисоботидаги номувофиқликлар илгари йўл қўйилган хатолар ва бузиб кўрсатишлар (ўтган ҳисобот даврларида) билан боғлиқ бўлганлиги учун респондент томонидан уни тўғрилаш мумкин бўлмаса, бу ҳолда респондент Кўрсатмада белгиланган муддатдан кечиктирмай:

номувофиқликлар сабабларига изоҳ берган ҳолда, жорий ҳисоботни статистика органига қайта юборади;

ўтган ҳисобот даврлари учун тўғриланган статистика ҳисоботини статистика органига тақдим этади (электрон ёки қоғоз шаклида).

22. Номувофиқликлар сабабларига изоҳ берилган ҳолда юборилган жорий ҳисоботни респондентдан олганда, статистика органи:

жорий статистика ҳисоботини қабул қилади ва респондентга Маълумотнома юборади;

респондентдан бузиб кўрсатишлар йўл қўйилган барча ўтган даврлар учун тўғриланган статистика ҳисоботини қабул қилади ва уларга нисбатан тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик чораларини кўриш масаласини ҳал этади;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда йиғма давлат статистика маълумотларига ўзгартиришлар киритиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширади.

23. Респондентда Маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, статистика ҳисоботи қабул қилинган деб ҳисобланади. Маълумотномада кўрсатилган вақт ва сана статистика ҳисоботи қабул қилинган муддат бўлиб ҳисобланади.

24. Техник сабабларга кўра, мазкур Низомда белгиланган муддатларда Хабарнома ёки Маълумотномани олмаган респондент, ушбу ҳолат бўйича

ўзи рўйхатдан ўтган жойдаги статистика органига хабар (электрон почта орқали, телефонда ёки шахсан) беради.

25. Статистика органи хабарни олгандан сўнг, респондент билан бир-галикда, бир иш кунидан ошмаган муддатда мазкур ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уни бартараф этиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Яқуний қоидалар**

26. Электрон шаклдаги статистика ҳисоботини қабул қилувчи статистика органлари ходимлари уларнинг ўз вақтида қайта ишланиши ва олинган маълумотлар махфийлигини таъминлаган ҳолда улардан келгусида фақат статистика мақсадларида фойдаланилиши учун шахсан жавобгардирлар.

27. Статистика органлари ходимлари статистика ҳисоботининг респондентнинг электрон рақамли имзоси билан ноқонуний имзоланиши учун жавобгар бўлмайдилар.

28. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

29. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган.

*Келишилди:*

*Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири*

**Ш. САДИКОВ**

*2021 йил 12 июнь*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 8 июлдаги 231-сон «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва захарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2021 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-2.**

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 2 июлдаги 9-сон «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-3.**

3. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 9 июлдаги 125-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3032-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 июлдаги 21-2021-сон ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 июлдаги 15-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 15 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2138-2.**

5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 8 июлдаги 22-2021-сон «Олий таълим муассасалари магистратура мутахассисликлари талабалари томонидан стажировкани ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2021 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2734-1.*

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 июндаги 9-мб-сон «Статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*2021 йил 16 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3312.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3032, 2018 йил 3 июль).

*2021 йил 15 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 6 августдаги 312, 19-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2138, 2010 йил 4 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2138-1, 2017 йил 17 ноябрь).

*2021 йил 15 июлда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**